(1775-1825)
(1806-1825)

Хива хони. Кўнгиротлар сулоласидан. Тўлик исми Мухаммад Рахимхон ибн Аваз инок ибн Мухаммад Амин инок. Акаси Элтузархон вафотидан кейин тахтга ўтирган (1806-йил). Мухаммад Рахимхон И Хива хонлигини бирлаштиришда ижобий натижаларга эришган; бир канча сиёсий, иктисодий, маъмурий ислохотлар ўтказган. Хон саройи кошида доимий фаолият кўрсатувчи Кенгаш (Девон) таъсис этилган. Мухаммад Рахимхон И мамлакатни кенгайтириш учун туркман – човдурлар устига юриш килган (1808-1809-йиллар). Шу йили Хасанбой элини бўйсундириб Кўнгиротга хужум килган, бирок у ерда каттик каршиликка учраган. Оймирза хукмронлик килаётган коракалпокларнинг бир кисмини Ок ёшк деган мавзега кўчирган. Мухаммад Рахимхон И Орол бўйи коракалпокларини бўйсундириш учун бир неча марта юриш килиб, 1811-йилда Тўрамурод сўфини енгиб хонликни мустахкамлаган. 1812-1818-йиллар давомида Сирдарё бўйи козоклари ва Марвдаги така туркманлар устига юриш килиб, уларни хонликка кўшиб олган. Бу галабалар Хива хонлигининг мавкеини мустахкамлаб, уни мустакил кудратли давлатга айлантирган. 1822-йилда Марв устидан хукмронлигини ўрнатди. 1823-1824-йилларда Бухоро амирлигига тегишли Кокиштивон, Огор ва Пойкенд калъаларига талончилик юришларини килган. Бухоро амири Хайдар билан сулх тузган (1825-йил).
Мухаммад Рахимхон И даврида Дашти Кипчок, Хуросон Хива хонлигига солик тўлаб турган. Хонлик худуди жанубда Хуросон, Шимолда Орол денгизи ва Сирдарёнинг куйи окимидаги ерлар, шаркда Бухоро амирлигига туташ худудлар, гарбда Каспий денгизи киргокларигача бўлган ерларни ўз ичига олган. Мухаммад Рахимхон И ўзи курдирган Пахлавон Махмуд макбарасидаги катта хонакохнинг тўрига дафн этилган. Мухаммад Рахимхон И араб, форс тилларини билган. Илм ахлига хомийлик килган. Олим, шоир ва донишмандлар билан сухбатлар ўтказиб турган. Мунисга Элтузархон даврида бошланган “Фирдавс-ул-икбол” асарини давом эттиришга шароит яратиб берган. 1813-йилда Мунисга “Равзат-ус-сафо” асарини таржимасини топширган. Мамлакатда бир канча каналлар каздириб ободонлаштирисга эътибор берган. Аркда зарбхона ташкил килиб олтин ва кумуш тангалар чикарган. Мухаммад Рахимхон И даврида ичкилик ва бангилик такикланган. Пахлавон Махмуд макбараси кайта курилган. Хивада бир канча мадраса ва масжидлар курилган. Божхона ва бошка муассасалар ишга тушган.